



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 23 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 147 (13.994)

Баҳоси эркин нарҳда

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АРХИВ ИШИ ВА ИШ ЮРИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида архив иши ва иш юритиш соҳасида зарур инфратузилма яратилди, архив ҳужжатларини жамлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишда ижобий натижаларга эришилди ҳамда муайян интеллектуал ва технологик салоҳият шакллантирилди, Миллий архив фонди Ўзбекистон халқининг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирган, тарихий, илмий ва маданий аҳамиятга эга бўлган архив ҳужжатлар билан бойитилди.

Шу билан бирга, таҳлил ва ўрганиш натижалари архив иши ва иш юритиш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларни жорий қилиш, давлат архивларининг моддий-техника базасини яхшилаш, архив ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисобига олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишнинг замонавий механизмларини қўллаш зарурати мавжудлигини далolat бермоқда.

Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат бошқаруви ва назоратини такомиллаштириш, қоғоз шаклидаги, кино, фото ва фоно ҳужжатларини рақамлаштириш янада жадаллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши

бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзархив” агентлигини негизда **Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги** (кейинги ўринларда – **Агентлик**) ташкил этилсин.

2. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, мулкчилик шаклларида катъий назар корхоналар, мусасасалар ва ташкилотлар фаолиятида шаклландиган бошқарув (иш юритиш) га оид, илмий-техникавий ва бошқа ҳужжатларнинг архив сақловига топширилишида ҳамда ўрнатилган тартибда йўқ қилинишида уларнинг **электрон ва Иллий архив фондининг давлатга тегишли қисми ҳужжатларининг сугурта нусхалари талаб этилади.**

3. Агентлик:
а) 2020 йил 1 июнча Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда **давлат архивларида сақланаётган тарихий давр (1917 йилгача) архив ҳужжатларини ўрнатилган тартибда махфийликдан чиқариш** бўйича чораларни курсин;

(Давоми 2-бетда)

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ “ЎЗАРХИВ” АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 сентябрдаги ПФ-5834-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги (кейинги ўринларда – **Агентлик**) фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
Агентликнинг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;
бошқарув ходимларининг чекланган сони **20** нафардан иборат **Агентлик марказий аппаратининг тузилмаси** 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши бошқармаларининг (кейинги ўринларда – **худудий бошқармалар**) **намунавий тузилмалари ва бошқарув ходимларининг чекланган сони** 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида 2020–2025 йилларда архив иши ва иш юритиш янада ривожлантириш дастури 4-иловага мувофиқ;

2020–2025 йилларда давлат архивлари биноларини ва сақловхоналарини

ни қуриш дастури 5-иловага мувофиқ;

2023–2025 йилларда давлат архивлари биноларини реконструкция қилиш дастури 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, **Агентлик марказий аппарати ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши бошқармалари** тузилмасига қўшимча киритилаётган штат бирликлари тегишли бюджет ташкилотлари штат бирликлари сонини кераклигича қисқартирган ҳолда, уларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан таъминланади.

2. **Агентликнинг асосий вазифалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

архив иши ва иш юритиш соҳасида ягона давлат сибатсини юритишга назоратни амалга ошириш;

Миллий архив фондининг ҳужжатларини жамлаш, уларнинг сақлиниши, давлат ҳисобига олинишини таъминлаш ва улардан кенг фойдаланиш;

давлат архивларини бошқариш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

(Давоми 2-бетда)



● Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партияси Наманган вилоят кенгаши томонидан “Сайлов: галаба стратегияси ва тактикаси” мавзудида икки кунлик семинар-тренинг ташкил этилди. Унда парламент ва маҳаллий Кенгашларда ўтказиладиган навбатдаги сайловларга тайёргарлик кўриш масалалари кўриб чиқилди.

● Навоий вилояти, Конимех туманида экотуризм соҳасини ривожлантириш мақсадида янги ва замонавий лойиҳа асосидаги комплекс ишга тушди. Лойиҳа ташаббускори Азамат Элмуратов томонидан умумий қиймати 12 млрд. сўмдан ортиқ маблаг эвазига бунёд этилган мазкур экотуризм маркази бир вақтнинг ўзида икки минг нафардан ортиқ кишини ўз бағрига олиш имкониятига эга эканлиги билан эътиборга сазовор. Мазкур туризм марказида ўзбек, қозок, қорақалпоқ миллий таомлари тайёрланади.

● Наманган шаҳрида “XXI асрда тиббиёт ва фармацевтиканинг ривожланишида инвестиция ва инновациянинг роли” мавзудида Халқаро тиббиёт ва фармацевтика форуми ўтказилди. Ушбу форумда Австрия, Германия, Исроил, Миср, Покистон, Россия, Словакия, Украина, Ҳиндистон ва Хитойнинг етакчи компаниялари билан умумий қиймати 92,7 млн. долларлик 22 та муҳим келишувга эришилган ва битимлар имзоланган. Имзоланган битимларга кўра, “Косонсой фарм” эркин иқтисодий зонасида фаолият юритувчи “Спринг фармацевтик” МЧЖ ҳамда Миср Араб Республикасининг “Pharco pharmaceuticals corporation” компанияси ҳамкорлигида 30 млн. долларлик фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш ташкил этилади. Шунингдек, вилоят солиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Австриянинг “АМЕ International GmbH” компанияси ўртасида 10 млн. долларлик кардиология марказини барпо этиш, “Мерримед Фарм” МЧЖ корхонаси билан Германиянинг “Textima Export Import GmbH” компанияси ўртасида 30 млн. долларлик кўп тармоқли замонавий тиббий марказ ташкил этиш бўйича келишувлар ҳам тузилган.

● Жиззах вилоятида спорт турлари бўйича уюшмалар биттага ортиди. Жорий йилда Арнасой туманида спортнинг байдарка ва каноэда эшак эшиш тури бўйича тўғарак фаолияти йўлга қўйилди. Айни пайтда тўғаракда 50 дан зиёд ёшлар шугулланмоқда.



● General Motors’га тегишли заводларнинг ишчилари умумий иш ташлаш муносабати билан бир кунга ишга чиқмади. Иш ташлаш касаба уюшмасининг компания раҳбарияти билан янги тўрт йиллик меҳнат шартномаси бўйича музокараларда муваффақиятсизликка учраганлиги сабабли бошланган. Унда бутун АҚШ бўйлаб 50 мингга яқин ишчи иштирок этмоқда – иш ташлаш туфайли 33 та заводда иш тўхтаб қолган. Охирги мартта GM ишчиларининг умумийлиги иш ташлаши 2007 йилда кузатилган эди. Ушанда норозилик икки кун давом этган. GM ишчиларининг ундан аввалги – 1970 йилги иш ташлаши эса 69 кунга чўзилган.

● Колумбияда кичик самолётнинг ҳалокатга учраши натижасида етти киши ҳаётдан кўз юмди, икки нафар одам жароҳатланди. Ташкилот устига тушган бўлиб, бу ердаги қурбонлар тўғрисида маълумот йўқ. Ҳозирда ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ**


ҚУРИЛИШ СОҲАСИГА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларида замонавий архитектура қиёфасини шакллантириш, қурилишни жадаллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди ва қурилиш соҳасида давлат бошқаруvinинг самарали механизми жорий этилди.

Шу билан бирга, таҳлиллар натижалари қурилиш соҳасида шаффофлиқни таъминлашда бир қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Ҳужумдан, манфаатдор шахслар ва жамоатчилик қурилиш ишлари боришини кузатиш имкониятига эга эмас, маблаглардан нотўғри фойдаланиш, объектларни ўз вақтида топширмастик, қурилишда паст сифатли материаллардан фойдаланиш, қурилиш ишларига соҳанинг мутахассиси бўлмаган ходимларини жалб қилиш қурилиш ишларининг сифатсиз бажарилишига олиб келмоқда, республика бюджетни маблағлари, мақсадли жамғармалар ва буюртмачиларнинг ортиқча харажатларига сабаб бўлмоқда.

Қурилиш соҳасида коррупция ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали қурилиш жараёнларининг барча босқичида жамоатчилик учун шаффофлиқни таъминлаш мақсадида:

(Давоми 3-бетда)



Ватан тақдирига масъулмиз!

ИЖОДКОР ҲИШЛАРНИНГ ИЛК ПАРВОЗИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” фонди томонидан “Биринчи китобим” лойиҳаси доирасида 22 ёш ижодкорнинг китоблари 10 минг нусхадан чоп этилди.

Уюшма биносида мазкур китоблар тақдироти ва ижодкорларга оқ йўл тилаш маросими бўлиб ўтди.

Таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, публицистлар, драматурглар, талаба-ёшлар ва Абдулла Қодирий номидидаги ижод мактаби ўқувчилари иштирокидаги тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, публицист Аҳмаджон Мелибоев мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор ҳақида илқ фикрлар билдирди. Ёш истеъдод эгаларига эркин ижод қилиши ва ўз сўзини айти олиши учун имконият яратилгани таъкидланди.

– Китобларни саралаш жараёнида адабиёт майдонида ўз сўзини айти олган, сермаҳсул қалам тебрататган ёшларнинг ижодий ишларига алоҳида эътибор қаратдик, – деди “Шарқ юлдузи” журнали бош муҳаррири ўринбосари Азиз Саид. – Юзлаб ёшлар асарлари орасидан танлаб олинган бу ижодий ишлар, ишонимизки, адабиёт илосмандларининг юрагидан жой олади. Ёшларнинг “Ўзбек адабиёти ўлди” деб келатиб айтатган гапларига жавобан “Биънинг адабиётимиз ўлмайди” деб айнан мана шу китобларни кўрсатишимиз мумкин.

– Ижодга қўнғил қўйган ҳар бир киши бирор ОАВДА чиқиш қилгани келади. Мен ҳам газета ва журналларда шеърим ёки мақолам чиқса осмонларда учиб юрардим. Ҳозир ишонмайман, “Ватан куёши” номли илк китобим мени ундан ҳам баланларга юксалтирди. Энди тулиб-тошиб ёзаман. Ватанимни бор овозим-ла, қаламимни кучи етгунча мадҳ этаман, – дейди Алишер Навоий номидидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси Хафиза Абдумаликова.

Тадбир сўнгида биринчи китоби чиққан ижодкорларга қалам ҳақи берилди. **Дилобар МАМАТОВА**

ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИГА ЯНГИЧА РУҲ БАФИШЛАГАН ҚАРОР

Чўлпон ота шаҳрида 2018 йилнинг сентябрь ойида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг олтинчи саммити бўлиб ўтган эди. Саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев фахрий меҳмон сифатида қатнашди.



Давлатимиз раҳбари Саммитда нутқ сўзлади ва ушбу халқаро тузилманинг келажағига катта умид, ишонч билан қарашини, Ўзбекистоннинг унинг фаолиятида амалий жиҳатдан қизқиш уйғотадигани йўналишлар бўйича иштирок этишга тайёр эканини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил 14 сентябрь кунини “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Наҳичеван Битимини (Наҳичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонунни имзолади. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро тузилма доирасида ҳамкорликни фаол қўллаб-қувватлаш тарафдори эканини яна бир бор тасдиқлади.

Ўз навбатида, ташкилотга аъзо давлатлар Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига киришини мамнуният билан қарши олди.

Хусусан, Озарбайжон ташки ишлар вазирлиги Ўзбекистоннинг Наҳичеван келишувини ратификация қилиши туркий тилли давлатлар бирдамлигини мустаҳкамлашда наватбаддаги муҳим воқеа эканини эътироф этди.

Ўзбекистон Республикасининг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлиш қарорини кўп асрлик маданий, тарихий алоқалар, қардошлиқ муносабатларини янада ривожлантириш, туркий тилли давлатлар манфаати ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Боқанда 15 октябрь кунини Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг наватбаддаги саммитида Ўзбекистон делегациясининг қарши олиш биз учун улкан шарафдир” дейилади Озарбайжон ташки ишлар вазирлиги баёнотида.

Шунингдек, ушбу муҳим воқеалик муносабати билан Қирғизистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги ҳам расмий баёнот билан чиқди. Унда мамлакатимизнинг ушбу нуфузли Кенгашига қўшилиши олқишланади.

“Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига раислик қилаётган Қирғизистон Ўзбекистоннинг бу бордаги қарорини юқори баҳолайди. Шубҳасиз, Ўзбекистоннинг мазкур тарихий қадамлари ташкилот фаолиятига янгича руҳ бағишлайди ва туркий тилли давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда алоҳида аҳамиятга эга” дея қайд

этилади Қирғизистон ташки сибат маҳкамаси баёнотида.

Қозғоғистон Ташки ишлар вазирлиги эса бу бордаги Ўзбекистон интилишларини қуйидагича баҳолайди:

“Ўзбекистон ташкилот аъзоларини қўллаб-қувватлаш юзасидан баёнот берди. Турк дунёси учун ўта муҳим бўлган мазкур қарор Наҳичеван Битимининг 10 йиллиги байрам қилинаётган санага тўғри келди. Ўзбекистоннинг туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзолиги борасидаги қарор 2019 йилнинг 15 октябрь кунини, Боқанда ўтатилган наватбаддаги саммит чоғида қабул қилинади”.

Туркия ҳам Ўзбекистонда “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Наҳичеван Битимини (Наҳичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонуннинг имзоланишини мамнуният билан кутиб олди. Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши туркий тилли мамлакатлар бирдамлигини мустаҳкамлаш, ҳамкорликни қувурлаштириш имконини беришини қайд этди.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши турк дунёси мамлакатлари мулокоти ва ҳамкорлигини ривожлантириш учун ташкил этилган халқаро раёформадир. Ташкилот Озарбайжоннинг Наҳичеван шаҳрида 2009 йилнинг 3 октябрида Туркия, Озарбайжон, Қозғоғистон ва Қирғизистон иштирокида тузилган эди. Унинг фаолияти тамойиллари 2016 йил 16 сентябрдаги Истанбул декларациясида эълон қилинган.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АРХИВ ИШИ ВА ИШ ЮРИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

б) 2020 йил 1 июнча Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда куйидаги давлат хизматларини Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилишини жорий қилсин; ўқиганликни тасдиқлаш ҳақидаги архив маълумот-номасини бериш; иш стажини тасдиқлаш ҳақидаги архив маълумот-номасини бериш; иш ҳақини тасдиқлаш ҳақидаги архив маълумот-номасини бериш; араб алифбосида яратилган туркий, форсий ва арабча ҳужжатлардаги ахборотлар бўйича аннотация маълумотларини тайёрлаб бериш; архив ҳужжатлари, китоблар ва кўлөзмаларни рақамлаштириш (электрон нусха олиш); в) ушбу муқддатда: доимий сақловга олинадиган ҳужжатлар таркибини оптимизация қилиш; Миллий архив фондининг давлатга тегишли қисмини доимий сақлаш ҳуқуқи берилган вазирликлар, идоралар, тармоқ давлат фондлари ва ташкилотлар рўйхатини қисқартириш; архив иши жараёнларини тўлиқ қамраб олувчи ва интерактив қидирув имкониятлари мавжуд бўлган "Архив иши" ягона ахборот тизими яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин; г) 2021 йил 1 январгача давлат архивларида сақланаётган фондларни хатловдан ўтказиб, улар ҳақида тегишли маълумотларни қамраб олган маълумотлар базасини яратсин.

Белгилансинки, мазкур бандда кўрсатилган архив маълумотномаларини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун йўғим ундирилмайди. 4. Агентлиkning 2020 йил 1 январдан бошлаб архив иши соҳасидаги давлат хизматларини кўрсатиш муқддатларини иловага мувофиқ қисқартириш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин. 5. Белгилаб қўйилсинки: Агентлик архив иши ва иш юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширадиган ваколатли давлат органи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Узархив" агентлигининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади; Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади; Агентлик директори ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади; Агентлик директори ва унинг ўринбосарлари меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Агентлиkning ҳудудий архив иши бошқармалари бошқаруви лавозимга тайинлаш Агентлик директори томонидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади. 6. Куйидагилар тузилсин: Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви негизда Ўзбекистон Миллий архиви; Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари марказий давлат архиви негизда Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви; Ўзбекистон Республикаси Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви негизда Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви; Тошкент шаҳар давлат архиви негизда Тошкент шаҳар марказий давлат архиви;

Агентлик ҳузурида муассаса шаклида Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик маркази;

Агентлик ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Архив ишини ривожлантириш жамғармаси. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Миллий архиви Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг, Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари марказий давлат архивининг, Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви Ўзбекистон Республикаси Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архивининг, Тошкент шаҳар марказий давлат архиви Тошкент шаҳар давлат архивининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

7. Куйидагилар архив иши ва иш юритиш соҳасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

архив иши ва иш юритиш фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жадаллик билан жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини босқичма-босқич рақамлаштириш ва сугурта нусхаларини яратиш;

архив ҳужжатларини махфийликдан чиқариш ишларини фаоллаштириш орқали архив ахборотларидан фойдаланувчилар сонини кенгайтириш; архив хизматларини босқичма-босқич Давлат хизматлари марказлари ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилишини ташкил этиш;

архивларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда инфратузилмасини янада модернизация қилиш, архив ҳужжатларини жамлаш, давлат ҳисобига олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишнинг замонавий усулларини жорий этиш; архив иши ва иш юритиш соҳасидаги ходимларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илгор ва шаффоф ташкилий-ҳуқуқий механизмларини татбиқ этиш йўли билан кадрлар сиёсатини шакллантиришнинг замонавий тамойилларини жорий қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ "ЎЗАРХИВ" АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

архив хизматларини кўрсатишда нодавлат секторни янада ривожлантириш, архив иши соҳасида давлат-хусусий шериклик учун қулай шарт-шароитлар яратиш; архившунослик, археография, иш юритиш, электрон ҳужжат айланиши соҳасида илмий, методик ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, илмий тадқиқотлар натижаларини ва илмий-техника ютуқларини республика архивлари амалиётга жорий этиш; замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда мунтазам равишда архив иши ва иш юритиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг малакасини ошириш тизимини шакллантириш; архив иши ва иш юритиш соҳасидаги мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг илгор иш тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш, хорижий архивларда сақланаётган Ўзбекистон тарихига оид архив ҳужжатлари нусхаларини олиб келиш. 3. Агентлик директорига куйидаги ҳуқуқлар берилсин: Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий бўйсунувдаги ташкилотлари тузилмаларига бошқарув ходимларининг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш; маҳаллий ва хорижий малакали мутахассисларни ходимлар ва маслаҳатчилар сифатида, уларга истисно тариқасида Архив ишини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаган ҳолда, жалб қилиш.

4. Белгилансинки, Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари ўз ваколати доирасида архив ҳужжатларини топширишининг, сақлашининг, улардан фойдаланишининг, худди, шунингдек, архивлар ва идоравий архивлар томонидан хизматлар кўрсатишининг белгиланган тартибни бузганлиги ҳолатлари юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш ҳуқуқига эгадирлар. 5. Белгилаб қўйилсинки, Архив иши ва иш юритиш бўйича малака ошириш илмий-методик марказида (кейинги ўринларда – Марказ):

архив иши ва иш юритишнинг замонавий талаблари ва жараёнларини ҳисобга олган ҳолда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилот ва муассасалар архивчи ва иш юритувчи кадрларини уч йилда камида бир марта малакасини ошириш; бошқа соҳа мутахассисларининг архив иши ва иш

юритиш бўйича билимларини ошириш юзасидан ўқишлар ташкил этиш;

архив иши ва иш юритишга оид республика ва халқаро микёсда семинарлар, конференциялар, анжуманлар ташкил этиш;

архив иши ва иш юритиш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш;

архивчи ва иш юритувчи кадрларнинг малакасини ошириш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлар таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик ишлари амалга оширилади.

6. Куйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин: давлат архивлари пуллик хизмат кўрсатишдан олинган даромадининг 20 фоизи миқдоридки йиллик мажбурий ажратмалар; Марказнинг пуллик хизмат кўрсатишдан олинган даромадининг 30 фоизи миқдоридки ажратмалар; Жамғарма маблағларини тижорат банклари депозитларига қўйишдан олинган даромадлар; юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро ташкилотларнинг грантлари; қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилансинки, Жамғарма маблағлари куйидагиларга сарфланади: давлат архивларининг биналари ва сақловхоналарини таъмирлаш ҳамда қуриш; давлат архивларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва хавфсизлик тизимларини жорий қилиш;

хорижий давлатлардан Ўзбекистон тарихига оид архив ҳужжатлари нусхаларини қайтариш;

архив иши соҳасида турли конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий бўйсунувдаги ташкилотлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш; Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий бўйсунувдаги ташкилотлари ходимларини хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот, таълим ва бошқа муассасаларида ўқитиш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш;

Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий бўйсунувдаги ташкилотлари ходимларига мамлакатда ва хориждаги хизмат сафарлари харажатларини тўлаб бериш;

Агентлик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бошқа тадбирлар.

соҳа ходимларини моддий рағбатлантиришни яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш; архив иши ва иш юритиш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширишнинг илгор ва шаффоф механизмларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2020 йил 1 мартгача республика шаҳарлари ва туманлари ҳокимликлари томонидан тузилган шахсий таркиб бўйича идоралараро архивларни Агентлик идоравий бўйсунувига ўтказсин ва улар негизда шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивларини ташкил этсин.

Белгилансинки, шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивлари фаолиятини молиялаштириш: ҳўжалик фаолиятини амалга оширишдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадлар; юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия маблағлари; халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг грантлари; қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

9. Агентлик 2023 йил 1 январгача босқичма-босқич давлат архивлари сақловида бўлган шахсий таркиб ҳужжатларини шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архивларига ўтказиш чораларини кўрсин.

10. Агентлик: Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда икки ой муқддатда бўш турган давлат мулки объектлари, шунингдек, реконструкция қилиниши ва мукамал таъмирланиши лежон бўлган давлат архивларининг фойдаланилмаётган бино ва иншоотларини хатловдан ўтказиб, уларнинг рўйхатини тузиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2020 йил 1 июнга қадар шахсий таркиб бўйича давлат архивларини давлат-хусусий шериклик асосида шахсий таркиб ҳужжатлари архивларига айлантириш чораларини кўриб чиқсин.

11. Агентлик бир ой муқддатда: манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин; Агентлик фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 20 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНДИ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2019 йил 20 сентябрдан мамлакатда сайлов кампанияси бошланганини эълон қилди.

Ўзбекистон муҳим сиёсий жараён – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайлов арафасида.

Марказий сайлов комиссиясининг Халқаро матбуот марказида бўлиб ўтган мажлиси сайлов кампанияси билан боғлиқ ташкилий ишларга бағишланди. Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдулломов сайловлар мамлакатда амалга оширилаётган демократик стратегия, истиқбол учун белгилаб олинадиган стратегик тараққиётнинг дастурий вазифаларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Марказий сайлов комиссияси 2019 йил 22 декабрни – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови кунини, деб белгилади. Сайлов кампанияси 20 сентябрдан бошлангани эълон қилинди.

Мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловини ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури тасдиқланди.

Тадбирда тараққиётнинг янги, демократик босқичига қадам қўйган Ўзбекистонда янги парламент ва янги маҳаллий Кенгашларни сайлаш учун янги раҳбар сайлов кампанияси бошланаётгани алоҳида таъкидланди.

Бўлажак сайловлар мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта муҳим устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган илгор демократик ғояларнинг амалга оширишга ёрдам бўлади. Жамиятимиз ҳаётдан кўптартиявийлик, сиёсий плюрализм, фикрлар хилма-хиллиги, очиқлик ва ошкоралик, бағрикенглик тамойиллари тобора кенг ва мустаҳкам ўрин оломоқда.

Бу йил мамлакат парламенти ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар илк бор янги Сайлов кодекси асосида ўтади. Сайловда биринчи марта бешта сиёсий партия – "Миллий тикланиш" демократик партияси, Халқ демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, "Адолат" социал-демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик партияси ўз номзодларини илгари суради.

Сайлов кодексига биноан эндиликда сиёсий партиялар Қонунчилик палатасига бўлажак сайловда 135 эмас, балки тўлиқ 150 сайлов округидан номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди. Ўзбекистон Экологик ҳаракатига берилган квота чиқариб ташлангани партиялараро рақобатни кучайтиришга хизмат қилади.

Сайловда 20 миллиондан ортиқ сайловчи, шулардан икки миллиондан зиёд ёшлар илк бор овоз беради.

Мажлис сиёсида Марказий сайлов комиссияси раиси, сиёсий партияларнинг раҳбарлари Халқаро матбуот марказининг махсус безатилган залига таклиф этилди. Улар шаффоф тўғмасаларни босиб, сайлов кампаниясига тантанали равишда старт берди. Улкан экранда "2019 йил, 22 декабрь. Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар!" тасвири пайдо бўлди.

Халқаро матбуот марказида сайловчиларга тезкор ахборот бериш маркази (Call-center) фаолияти йўлга қўйилди. Марказнинг ҳудудларда ҳам бўлинмалари иш бошлаган.

Н.АБДУРАИМОВА

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Россия Федерацияси Ҳукумат Раисининг биринчи ўринбосари – молия вазири А.Силуанов бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув чоғида икки мамлакат раҳбарларининг давлат ташрифлари, олий даражадаги бошқа учрашувлар якунлари бўйича эришилган келишувлар ижроси, шунингдек, уларни белгиланган муқддатларда ва тўлақонли бажариш бўйича амалга оширилаётган зарур чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил бошида Россия Федерациясига амалга оширилажак ташрифига тайёрғарлик масаласи кўриб чиқилди, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича қатор ҳужжатлар, жумладан, стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шу билан бирга, учрашув чоғида энг муҳим соҳалар, хусусан, Евросиёё иқтисодий иттифоқи билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш доирасидаги икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича фикр алмашилди.

Томонлар ўзаро манфаатдорлик ва ишонч тамойилларига асосланган муносабатларнинг юксак даражаси, шунингдек, уни янада кенгайтириш бўйича улкан салоҳият мавжудлигини қайд этди.

ЎЗА

ҚИСҚА САТРЛАРДА

- Тошкент шаҳар ҳокимлигида инновацион таклифларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.
• ОАВ вакиллари ва блогерлар учун "Тошхатратансизмат" АЖ – кеча, бугун, эртага" номили пресс-тур ташкил қилинди.
• Пойтахтимизда "Европа мобиль ҳафталиги" доирасида "Автомобилсиз кун" тадбири ўтказилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И**

**ҚУРИЛИШ СОҲАСИГА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(*Давоми. Боши 1-бетда*)

1. Куйидагилар:
а) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Иқтисодий ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлигининг;
б) Қурилиш вазирлиги фаолиятига “**Шаффоф қурилиш**” миллий ахборот тизимини жорий этиш ва унинг 2020 йил 1 июнга қадар **Тошкент вилоятида** марказлаштирилган молиялаштириш манбаларидан, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари ҳисобидан молиялаштирилган объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) қурилиши жараёнида **тажриба тарикасида ишга тушириш**;
в) таъриба натижаларига асосан “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимини 2021 йил 1 январга қадар **Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида реал вақт режимида ишлатишни таъминлаш**;
г) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2020 йил 1 мартга қадар давлат шахарсозлик кадастрини юритиш ҳамда шахарсозлик ҳужжатлари ва маълумотларини жамоатчиликка онлайн режимида тақдим этиш имконини берувчи “**Ўзбекистон Республикаси давлат шахарсозлик кадастри**” географик ахборот тизими (геопортал)ни ишлаб чиқиш ва **тест режимида ишга тушириш** тўғрисидаги тақлифлари маъқулансин.

2. Куйидагилар “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимининг асосий вазибалари этиб белгилансин:
а) объектларнинг манзилли дастури, тегишли вазирик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган объектларнинг йиллик манзилли рўйхати шакллантирилишини, маълумотлар базасини янги қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш объектлари бўйича турларга бўлиб юритилишини таъминлаш;
б) объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда ҳудудий ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниялари томонидан лойиҳаолди ишларининг амалга оширилиши, буюртмачи билан лойиҳа ташкилоти ўртасида шартнома тузилиши ва аванс маблағлари ажратилиши ҳамда ишлар тугаллангани тўғрисидаги аниқ ва ишончли маълумотларнинг мунтазам электрон базага киритиб борилиши ва юритилишини таъминлаш;
в) лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда буюртмачи ва экспертиза ташкилоти ўртасида тузилган шартномалар, кўрсатилган хизматларнинг молиялаштирилганлиги, тугалланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизадан ўтказилганлигига оид электрон маълумотлар базасини шакллантириш;
г) объектлар қурилишини молиялаштиришда пудратчи билан буюртмачи ўртасида шартнома имзоланганлиги ва аванс маблағлари тўланганлиги, ойма-ой бажарилган ишларнинг ҳисоботини юритиш ва бажарилган ишларга нисбатан мутаносиб равишда молиялаштирилганлиги тўғрисидаги аниқ ва ишончли маълумотларнинг электрон базасини шакллантириш;
д) объектлар қурилишида иштирок этаётган барча пудратчилар ва ёрдамчи пудратчилар ҳақида маълумотларни йиғиш, бажарилган иш ҳажмлари асосида тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, улар томонидан амалга оширилаётган иш турлари бўйича маълумотлар базаларини шакллантириш;
е) объектларда қурилиш жараёнини назорат ва мониторинг қилишда уларни рўйхатга олиш, қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан амалга оширилаётган назорат текширувларини ва кўрсатиб ўтилган камчиликларни қайд этиш, уларни бартараф этиш бўйича маълумотлар базаларини шакллантириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги: манфаатдор вазирик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ҳамда “Ўзбекистон Республикаси давлат шахарсозлик кадастри” географик ахборот тизими (геопортал)дан фойдаланиш регламенти лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирик Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;
4. 2020 йил 1 январга қадар “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича концепция ва техник топширик ишлаб чиқсин;
5. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ва “Ўзбекистон Республикаси давлат шахарсозлик кадастри” географик ахборот тизими (геопортал)нинг белгиланган муддатларда ишга туширилишини таъминласин;
6. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими идораларо ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари, жумладан, “Ўзбекистон Республикаси давлат шахарсозлик кадастри” географик ахборот тизими (геопортал) билан интеграциялаш бўйича зарур чораларни кўрсин.

4. Қурилиш соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилувчи ахборот тизимлари жорий этилишини мувофиқлаштириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) 1-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин ва унга қуйидаги вазибалар юқлатилсин: қурилиш соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали ижро этилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;
5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтиришга қаратилган самарали “**Ижро этилиши юзасидан назорат**” (compliance control) тизими жорий этилишини таъминлаш;
6. қурилиш соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда шахарсозлик нормалари ва қоидалари лойиҳаларида коррупцияга оид ҳолатларни келтириб қарувчи нормаларни аниқлаш бўйича коррупцияга қарши экспертиза ўтказилишини ташкил этиш;
7. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ҳамда “Ўзбекистон Республикаси давлат шахарсозлик кадастри” географик ахборот тизими (геопортал)ни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича тадбирлар режалари тасдиқланишини таъминлаш, маъмур тизимларини белгиланган муддатларда ишга туширилишини назорат қилиш;
8. қурилиш соҳасига ахборот тизимларини жорий этиш орқали коррупция, бюрократик тўсиқлар ва тизимли муаммоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш;
9. қурилиш соҳасининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида қурилиш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича дастурлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва уларнинг белгиланган муддатларда ижро этилишини мониторинг қилиш;
10. қурилиш соҳасига ахборот тизимларини жорий этишда маъмур ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;
11. жорий этилаётган ахборот тизимларининг жойларда самарали ишлатиши ва қўлланилишининг ягона амалиётини таъминлаш;
12. қурилиш соҳасига ахборот технологияларининг жорий этилиши, шу жумладан, уларнинг коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга таъсирини бўйича маълумотларнинг кенг оммага етказилишини ташкил этиш;
13. Комиссия фаолият натижалари, шу жумладан, ахборот тизимларини жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар чорак яқунларида кўра ахборот киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг давлат муассасаси шаклидаги **Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказини** (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазибалари этиб белгилансин:
а) автоматлаштирилган ахборот тизимлари, ахборот ресурслари ва маълумотлар базаларини яратиш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, қурилиш соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
б) “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимини юритиш ва қўллаб-қувватлаш;
в) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва зарур дастурий маъсурлотларни ишлаб чиқиш;
г) марказлаштирилган молиялаштириш манбаларидан, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари ҳисобидан молиялаштирилган лойиҳаларда қурилиш жараёнини мониторинг қилишни йўлга қўйиш;
д) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини янгилаб бориш чораларини кўриш, уларнинг бошқа давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш;
е) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ахборот хавфсизлигига таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш ва унга қарши курашиш, ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этилишининг назоратини ва мониторингини амалга ошириш, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича техник инфратузилмани жорий этиш ва ривожлантириш;
ж) ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларидан фойдаланиш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қурилиш соҳасида иштирок этувчи идоралар ходимларининг билим ва кўникмасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;
з) турли ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ягона серверини ташкил қилиш, юритиш ва ривожлантириш;
8. Қуйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини маблағлари;
асосий фаолиятдан олинган даромадлар;
халқаро молия институти грантлари;
юрлик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Шундай тартиб белгилансинки, унга кўра 2020 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури, қишлоқ жойларда янгилашган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шахарларда арзон кўп квартиралы уйлари қурилиш ва реконструкция қилиш дастурлари доирасида жами қурилиш харажатларининг 0,05 фоизи миқдоридида маблағлар “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш учун объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича смета харажатларида назарда тутилиши ҳамда буюртмачилар томонидан Марказ ҳисоб рақамига ўтказилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ахборот-коммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш учун харид қилинадиган компьютер техникаси, сервер қурилмалари, коммуникация ускуналари ва дастурий таъминот рўйхати 2-иловага мувофиқ маъқулансин.

9. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда давлат ташкилотлари раҳбарлари ўзларининг идоравий ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимига интеграция қилишни ва реал вақт режимида узлуксиз ишлатишни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги шахарсозлик нормалари ва қоидаларидида буюртмачининг бошқа харажатлари таснифига “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимининг асосий вазибаларини бажариш ҳамда объектларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича мониторинг олиб бориш юзасидан белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: Қурилиш вазирлигининг 2020 йилда ушбу қарорни амалга ошириш доирасидида сарф харажатлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини параметрлари доирасида маблағлар ажратсин ва 2020 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда туტсин;
2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Қурилиш вазирлигига маблағлар ажратилиши жараёнида 2-иловага мувофиқ ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини янгилаш учун зарур ускуналарни харид қилишни эътиборга олсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги манфаатдор вазириклар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирик Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида тақлифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юқлансин.

Хабарлар

**ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИДА ФРАНЦИЯ
ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН
УЧРАШУВ**

Тошкент шаҳар ҳоқими Франциянинг Европа ва ташқи ишлар вазирлигининг Марказий Осиёдаги иқтисодий дипломатия бўйича махсус вакили Паскал Лоро ва Франция элчиси Изабел Сервоз-Галлуччини қабул қилди.

Учрашувда таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Франция азалдан дўст ва ҳамкор давлатлардир. Мамлакатларимиз ўртасидида алоқалар тарихи Ўзбекистон ҳудудидан ўтган Буюк Йпак йўли қаровлари Европа бўйлаб қатнаган даврларга бориб тақалади. Мулоқот давомида Тошкент шаҳар ҳоқими ўзаро ҳамкорликда муносабатларни ривожлантириш борасида қатор тақлифларни билдирди. Хусусан, Европа давлатлари ичида дастлаб Франция фуқаролари учун визасиз режим жорий қилингани, 2018 йилда юртимизда ушбу давлатдан 13 миңдан ортиқ сайёҳ келганига эътибор қаратиб, бу йўналишдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори эканлигини билдирди. Шунингдек, мамлакатимизда инвесторлар учун яратилган шароит, қулайлик ва имтиёзларга тўхталиб, Франциянинг тадбиркорлари билан алоқаларни кенгайтириш, ўзаро ҳамкорликда янги ва истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш борасида сўз юрптиди. Европадаги таълим стандартлари ва сифати юқорилигини таъкидлаган ҳолда Тошкентда Франциядаги олий таълим даргоҳларининг филиалларини очиш, жумладан, меҳмонхона бизнеси ва туризм соҳасида мутахассислар тайёрлашга иқтисослашган университетни ташкил қилиш тақлифини билдирди.

Ўз навбатида Франция томони самимий қабул ва дўстона муносабат учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидида иқтисодий, туризм, маданият ва таълим каби қатор соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга ҳисса қўишга тайёригини айтиб ўтди. Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги делегациясини 4 октябрь куни Францияда ўтказиладиган “Top Resa-2019” халқаро туристик ярмаркада иштирок этишга тақлиф қилди.

**ПОЙТАХТИМИЗДА ИЛК
МАРТА TASHKENT BOOK
FEST ХАЛҚАРО КИТОБ
КЎРГАЗМА ЯРМАРКАСИ
ЎТҚАЗИЛАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги манфаатдор вазирик ва идоралар билан ҳамкорликда Tashkent Book Fest халқаро китоб кўргазмасини ташкил этмоқда.

Кўргазма жорий йилнинг 2-4 октябрь кунлари “Ўзэкс-помарказ” Миллий кўргазмалар мажмуасида бўлиб ўтади. Халқаро китоб кўргазма ярмаркасига ташриф буюрганлар хорижий ва маҳаллий нашриётларнинг янги ва нодир китоблари билан танишиш, янги асарлар тақдимида иштирок этиш, чет эл ва ўзбек адаблари, муаллифлари билан учрашиш имконига эга бўлади.

Тадбир доирасида ёзувчи, шоир ва расмолар билан ижодий сўбатлар бўлиб ўтади. Шунингдек, соҳага оид семинарлар, маҳорат дарслари, тренинглар ва кўп-ла акция ҳамда китоб танловлари ўтказилади.

Дарҳақиқат халқаро китоб кўргазма ярмаркаси — турли мамлакатларнинг соҳа мутахассислари ўртасида тажриба ва фикр алмашиш, малака ошириш учун аҳойиб майдон бўлади.

Тошкент шаҳар ҳоқимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз

Реклама ва эълонлар

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 августдаги 686-сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти республика ҳукуматининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом”га мувофиқ профессор-ўқитувчиларнинг қуйидаги лавозимлар учун **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

1. “Макроиктисодий статистика ва миллий ҳисоблар” кафедраси бўйича — кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи.
2. “Ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамли иқтисодий” кафедраси бўйича — кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи.

Танловда юқоридида қайд этилган Низомнинг 4-7-бандлари талабларига жавоб берувчи педагог-ҳодимлар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтига (Тошкент шаҳри, Муस्ताқиллик шох кўчаси, 426-уй) муурожаат қилишлари мумкин. Телефонлар: 71-230-81-90, 71-230-81-86.

**“МАЪНАВИЯТ ФЕСТИВАЛИ”
БЎЛИБ ЎТДИ**

Қадимий ва навқирон азим пойтахтимизда миллийлик ва замонавийлик билан йўғрилган “Маънавият фестивали” ўтказилди. Фестиваль очилиш маросими олдидан “Ёшлар ижод саройи”да “Тошкент шаҳрида “Маънавият фестивали”ни ўтказиш: лойиҳалар, қутилаётган натижалар” мавзусида матбуот анжумани ҳам ташкил қилинди.

Унда иштирок этган Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ўринбосари А.Юсупов республика миқёсида ўтказиладиган ушбу фестивалнинг афзалликлари тўғрисида батафсил тушунириб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламига етказиш, миллий маънавий мерос ва қадриятларни чуқур тарғиб этиш каби мақсадларни кўзда тутиганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, матбуот анжуманида “Жоназон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” шиори остида ўтказилган “Ватан ҳақида ёзилган энг яхши мақола” кўрик-танловининг голибларини ҳам тақдирлаш ма-

росими ўтказилди. Танлов ҳайъати раиси сифатида иштирок этган Ёзувчилар уюшмаси бадий публицистика кенгаши раиси, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Аҳмадjon Мелибоев танлов голибларини эълон қилди ва уларга қимматбахо совғаларни топширди.

— Ватан ҳақида ёзиш учун “Ватан” дея қичқирмаслик лозим, — деди Аҳмадjon Мелибоев. — Америкадан келган ватандош меҳмонларга Зарафшон дарёсининг бўйига олиб бориб, уларга биттадан тош беришиди. Шунда ватандошларимиздан бири қўлидаги тошга узок термулиб шундай деди: “Бу тошни олиб кетолмайман. Чунки бу тош Ўзбекистонга тегишли. Шу ерда ўз жойида қолсин. Бизни ватангадо бўлганимиз ҳам етар. Ҳеч нарсани олиб кетмаймиз”. Бу воқеани бежизга

айтмадим. Ватаннинг қадри ҳақида ватансизлардан сансангилардан, Шундагина Ватаннинг қирралари, жиҳатларини кўрсатиб, таъсирли мақолалар ёзасиз!

Анжумандан сўнг ўқувчи-ёшлар ўртасида “Тафаккур” интеллектуал ўйини ўтказилди. Унда азлучи ва фаол мактаб ўқувчиларидан таркиб топган жамоалар ўртасида билимлар беллашуви бўлиб ўтди. Беллашув қизгин баҳс-мунозараларга бой бўлди. Юксак салоҳиятли, интеллектуал билимдонлар жамоаси саралаб олинди.

Куннинг иккинчи ярмида фестивал иштирокчилари учун Абдулқосим мадрасасида “Маърифат тур” лойиҳаси асосида “Қадимги ва бугунги Тошкент



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2019 йил 20 сентябрь

Зафар НАЗАРОВ
СУРАТДА: Тадбирдан лавҳа





“УНИВЕРСАЛ ЖАНГ” БЎЙИЧА ТУРНИР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Кунинг кеча Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида спортнинг “Универсал жанг” тури бўйича курсант ва муддатли ҳарбий хизматчилар ўртасида институт биринчилиги ўтказилди.

Институтда спортнинг мазкур тури ривожлантириш ва оммалаштириш, иқтидорли спортчиларни аниқлаб, келажакда тарма жамоа таркибида маҳаллий ва халқаро мусобақалардаги иштирокини таъминлаш мақсадида ўтказилган турнир иштирокчилари 3 кун мобайнида куч синашдилар.

Спортнинг “Универсал жанг” тури иккикураш спорт жанрларига ҳисобланади. Мусобақанинг биринчи босқичида иштирокчилар тўсиқлардан олиб ўтиш, қуролдан ўқ узиш ва нишонга пичоқ отиш каби машқлардан ўз маҳоратларини намойиш этган бўлсалар, иккинчи босқичда эса улар универсал жанг қоидалари асосида татамида жанг қилдилар.

— Бизнинг мақсадимиз Ҳарбий-техник институтида бўлиб ўтган бу мусобақада кучлиларни аниқлаб, уларни тарма жамоага жалб қилиш ва Ўзбекистон ҳамда жаҳон чемпионатларида иштирокини таъминлашдир, — дейди Ўзбекистон “Универсал жанг” федерацияси президенти Я.Зокрибеков.

Мусобақа мurosасиси ва шиддатли баҳсларга бой тарзда кечди. 7 вазн

тоифасида иштирок этган 4 нафар жамоанинг олиб борган жанглари ҳақмлар хайъати томонидан сиңчовлик билан баҳолаб борилди.

— “Универсал жанг” бўйича институт биринчилигида умумжамоа ҳисобида бизнинг тарма жамоа ғолиблигини қўлга киритди. Бундан кейинги мусобақаларда ҳам ғолиб бўлишга ва Ўзбекистон байрогини юксакларга кўтаришда ўз ҳиссамизни қўшишга ваъда берамиз, — дейди 5-босқич курсанти Ф.Салимов.

— Келажакда нафақат спорт йўналишида балки илм-фан йўналишида ҳам юқори марраларни эғаллаб, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг шарафини ҳимоя қиламиз, — дейди фахр ила 1-босқич курсанти М.Мирзахўжаев.

Мусобақанинг якуни натижаларига кўра, яқкалик ва умумжамоа ҳисобида ғолибликни қўлга киритган спортчиларга махсус диплом, кубок ва медаллар топширилди.

Нафосат ЗАФАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси Матбуот
хизмати етакчи мутахассиси

КУЗНИНГ МУСИҚИЙ РАНГЛАРИ

Куз фасли ўзининг саховати, бетакрор таровати, об-ҳавоси билан ижодкорларга ҳамisha завқ ва илҳом бағишлаб келган. Бу жиҳатлар мусиқачиларимизнинг ҳам ижодида ўзининг ёрқин ифодасини топаётгани билан аҳамиятлидир.

Алишер Навоий номдаги Ўзбекистон давлат академик катта театрига туташ худудда мамлакатимиз ва хорижлик мусиқа иҳлосмандларининг сеvimли ижодий лойиҳасига айланиб улгурган концерт — очик осмон остидаги “OPEN AIR. Тун ранглари” номли мусиқий дастур санъат иҳлосмандлари эътиборига ҳавола этилди. Унда мусиқа ижодкорларининг кузги илҳами ва изланишлари тингловчиларни яна ва яна хайратга солди, десак янглишмаймиз.

Шу муносабат билан театрга туташ хиёбонда ташкил этилган кўркам томошога турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, мусиқа иҳлосмандлари, чет эллик меҳмонлар таклиф этилди.

Жаҳонда Open Music ёки Open Air номи билан машҳур бўлган бундай мусиқий дастурлар очик осмон остида, она табиат кўйида ўтказилиши, ундан томошога киришидан қатъи назар, барча бирдек баҳра олиши учун имконият яратилгани, мумтоз мусиқий асарларнинг жонли ижроси билан аҳамиятлидир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда маданият ва санъат ривожини йўлидаги бетимсол эътибор натижасида очик осмон остидаги бу каби концертлар нанкин Туркистон шаҳрида, балки юртимизнинг турли худудларида ҳам бўлиб ўтиши яхши анъанага айланган.

...Дилбар кўшиқ концерт бошланганига ишора беради. Бир вақтнинг ўзида экранда юртимиз манзаралари, машҳур кинофильмлардан лавҳалар, концерт жараёнига тааллуқли эпизодларнинг намойиш этилиши, фаввора ва лазер-шоу, томошабинларнинг бетиним оқлишлари мазкур концертга янада завқ, бетакрорлик, жозибани, табиийлик бағишлади.

Айтиш жоизки, бу каби концертларга Ўзбекистон Ёшлар симфоник оркестри, юртимизнинг етакчи опера юлдузлари алоҳида ва пухта тайёрларик қўради. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Юртимиз ва жаҳон композиторларининг номдор асарлари, машҳур кинофильмларда янгаран тароналар ижодий жамоа томонидан юксак маҳорат билан ижро этилди.

Н.УСМОНОВА,
Ўза муҳбири

АТМОСФЕРА ҲАВОСINI МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ

Тошкент архитектура ва қурилиш институтида Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси томонидан “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Фавқуллода вазиятлар ва зирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, “ЕсоВох” лойиҳаси муаллифлари, Экоҳаракат Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси ходимлари, институт ўқитувчи ва талабалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ёшларга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича туншалар бериш, озон қатламини емирилишдан ҳимоя қилишга қаратилган халқаро ва давлатлар қабул қилинган ва қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар аҳамиятига бағишланган тарғибот-ташвиқот ишларини янада кенгайтиришдан иборатдир.

1985 йилда Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси қабул қилинганлиги озон муаммосини ҳал этиш бўйича халқаро саъй-ҳаракатларнинг аниқ механизми бўлди. Мазкур Конвенция доирасида илмий тадқиқотларни ўтказишда халқаро ҳамкорлик, озон қатламини тизимли мониторинг қилиш, озонни емирувчи моддалар — хлорфторуглеродли бирикмаларнинг ишлаб чиқарилиши мониторингини ва ахборот алмашинуви қўзланган. Илмий тадқиқотлар доирасида озонни емирувчи энг зарарли моддалар ҳамда келгусида халқ хўжалигида ишлатиш учун яроқли бўлган моддалар аниқланиб, унинг натижалари 1987 йил 16 сентябрда ривожланган ва ривожланаётган давлатлар томонидан Озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреаль протоколнинг қабул қилинишига асос бўлди.

Монреаль протоколи озон қатламини ҳимоя қилишдек глобал муаммони ечишда муҳим ҳужжат айланди. Унда озонни емирувчи асосий моддалар белгилашиб, уларга таркибида хлор, фтор, бром, углерод ва водород каби углеводдор синфига тааллуқли кимёвий бирикмалар киритилган, уларни ишлаб чиқариш ва фойдаланишни қисқартириш ва охир оқибат умуман бартараф этиш бўйича режа-жадвал, шунингдек, бу жараён устидан назорат белгиланган.

Озон қатламини оксиген газидан иборат бир қатлам бўлиб, ер сатҳидан 25 километрдан то 40 километр баландлигида сезилади. Бу нозотбахш газ Ер саяёрасини қуёшнинг ультрабинафша нурлари ва бошқа зарарли нурлардан ҳимоя қилади. Шунингдек, озон қатламини емирилиши зарарли нурларнинг аёвсиз ерга ёғилиши ва шу билан бирга иқлим ўзгаришларига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Бугунги кунда ҳўжалик фаолиятида бромли металл, галонлар, фреонлар, хладонлар ва тетрафторуглеродларни ишлатилиши озон қатламини сийраклаштиришига олиб келмоқда. Озон сийрақлашгандан сўнг қуёшнинг ультрабинафша нурларини яхши юта олмайдди. Бу нурлар Ер юзига келиб инсоният ривожига акс таъсир қилади.

Тадбир давомида Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзолари томонидан озон қатламини сақлаш ва муҳофаза қилишга доир “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни нормаларини такомиллаштириш юзасидан тизимли ишлар олиб борилаётгани ҳам қайд этиб ўтилди.

Сўзга чиққанлар озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреаль протоколи талабларини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳолати юзасидан маълумот бериш билан бирга мазкур Протокол талабларини амалга ошириш механизмини ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонуңчиликни такомиллаштириш масалаларини муҳожама қилдилар.

Ёшларга Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши, мамлакатимиз аҳолисининг маънан бой ва соғлом ҳаётини таъминлаш, фақатгина окотизимларни сақлаш, атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш, жамъуд экологик муаммоларни ҳал этишга жамъатчиликни кенг жалб қилиш орқалигина эришиш мумкинлиги алоҳида қайд этилди.

Тадбир сўнгида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

Г.АЛИХОНОВА,
Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлини маси координатори

Реклама ва эълонлар

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети “Фан ва тараққиёт” давлат унитар корхонаси таянч докторантура (PhD) ва докторантурага (DSc) куйидаги ихтисосликлар бўйича

КАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Таянч докторантура (PhD) (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 02.00.07** – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллар кимёси ва технологияси – 1 ўрин.
 - 01.04.06** – Полимерлар физикаси – 1 ўрин
 - 02.00.15** – Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси – 1 ўрин.
 - 05.02.01** – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси – 3 ўрин
- Докторантура (DSc) (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)**
- 02.00.07** – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллар кимёси ва технологияси – 1 ўрин.
 - 05.02.01** – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси – 1 ўрин

Таянч докторантура (PhD) ва докторантура (DSc) талабгорлар www.phd.mininnovation.uz сайтида электрон рўйхатдан ўтгач, куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:

- ариза;
 - маълумотнома;
 - меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
 - олий таълим муассасаси магистратура дипломи, фан номзоди ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
 - докторантурага кирувчилар учун номзодлик (ёки PhD) дипломининг нусхаси;
 - тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг тўлиқ лойиҳаси;
 - илмий журналларда эълон қилинган илмий мақолалар ҳамда тезислар рўйхати ва нусхалари;
 - соғлиги ҳақида 086-шаклдаги маълумотнома.
- Таянч докторантура (PhD)га қабул имтиҳонлари рўйхати:**
- мутахассислик;
 - чет тили.

Ҳужжатлар 2019 йил 15 сентябрдан 15 октябргача куйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, 100174, Олмазор тумани, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7^а-уй. Телефонлар: (8-371) 246-39-28, (8-371) 246-83-21.

ДАРАХТЛАР НОҚОНУНИЙ КЕСИЛИШИГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР КУЧАЙТИРИЛАДИМИ?

Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда дарахтлар ноқонуний кесиши бўйича тарқалаётган хабарлар муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

Мазкур ҳолатлар бўйича фуқароларнинг қўлаб мурожаат ва шикоятлари Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига ҳам келиб тушмоқда.

Бу мурожаатларда дарахтлар кесиши, мамлакатимиз иқлим шароитига мос келмайдиган (турли игна баргли) дарахт турлари экилаётгани ва улар қаровсизлик сабабли қуриб қолаётгани юзасидан эътирозлар билдирилмоқда.

Тошкент давлат аграр университетига шу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, масалала кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш ва яшил табиати асраш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Экологик партияси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассислари томонидан жойларда дарахтлар ноқонуний кесишига қарши олиб борилаётган кураш ҳузурида атрофлича маълумот берилди.

Хусусан, пойтахт фуқароларидан келиб тушган мурожаат асосида жорий йилнинг ўтган даврида 100 дан ортиқ экологик рейдлар ташкил этилган бўлиб, уларнинг аксарияти дарахтларнинг кесиши билан боғлиқ, Биргина Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек туманида рўй берган сўнгги ҳолат бўйича Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси хулосаси билан 87 донга игна баргли дарахт, диаметри 83,1 сантиметр бўлган 3 касалланган ва қуриган чинор ва софора дарахти кесишига руҳсат берилган. Бироқ Чилонзор ва Юнусов туманларида ҳам айрим кўчалар ва ташкилотлар атрофи тамирланаётгани тўғрисида дарахтлар эътиборисиз кесилгани ёки танасига асаб қилинаётгани аниқланмоқда.

Бундан ташқари, ижтимоий тармоқларда Самарқанд вилоятида (Кўшнор эътироҳи) дарахт кесиши, шунингдек, Самарқанд шаҳри Бульварда таъмирлаш ишлари билан боғлиқ 100 йиллик дарахтларнинг кесиши ҳолатлари ҳамон давом этаётгани муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

Тадбирда мутахассислар жойлардаги дарахт ва буталар сони ва сифати ҳақида аниқ маълумот йўқлиги, дарахтларда касалликларни аниқлаш бўйича кузатувларда ботаник-мутахассислар жалб этилмаслиги тегшли чора кўриш бўйича ўз фикрларини айтиб ўтди. Хусусан, парк, хиёбон ва бошқа жамоат жойларида дарахт кесиши ва яшил қоплама реконструкцияси жараёни бўйича хулоса қабул қилишда жамоатчиликнинг иштирок этиш механизми шаклланимаган. Соҳада тегшли йўналишлар бўйича малакали ва бой тажрибага эга бўлган мутахассисларнинг етишмаслиги каби муаммолар ҳам эътирозларга сабаб бўлмоқда.

— Юқоридигилардан келиб чиққан ҳолда партияимиз томонидан ҳукуматга дарахт кесишига мораторий киритиш, ноқонуний дарахт кесишига нисбатан жиноий жавобгарликка тортишга бўлган жазо санкцияларини қучайтириш тақлифи берилди, — деди Ўза муҳбирига Ўзбекистон Экологик партияси марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари С.Сангинов. — Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий ҳокимият органлари ва тегшли бошқармалар томонидан аҳолини жойларда кесиши мўлжалланаётган дарахтлар ҳақида олинган маълумотга эга бўлиш имконини яратади. Шунингдек, Ўзбекистон Экологик партияси томонидан бу борадаги қонуний тизимни такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар тайёрланди. Жумладан, ҳокимият ва давлат экология қўмитасига жойларда режалаштирилаётган дарахт кесиши ва реконструкция қилиниши бўйича маълумотларни фуқароларга етказиш мажбуриятини юклаш, дарахт ва буталар ҳолатини ўрганиш бўйича комиссиялар таркибига ботаник-мутахассисларни киритиш, ноёб дарахт турларининг ноқонуний кесишига нисбатан жазо санкцияларини қучайтириш тақлифи билдирилди.

Матбуот анжуманида журналистлар томонидан мавзу бўйича берилган саволларга мутахассислар жавоб берди.

Абдулазиз МУСАЕВ

Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани ТСРЎИ томонидан 4.06.2008 йилда № 001850-07 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “ASL PLYUS” МЧЖ (СТИР 300855803) таъсисчининг 23.09.2019 йилдаги қарорига асосан

ТУГАТЛАДИ

Давтволар эълон қилган кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Яшнобод тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уй манзилида қабул қилинади. Телефон: +99894 678-75-57.

Тошкент тиббий коллежи томонидан 2012 йилда Мухамедова Раъно Рихсатиллаевна номига берилган К № 2718587 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

“Avto radio media” ХК “Armedia” МЧЖга қўшилиётганлигини маълум қилади. Муружаот учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қўзикул туг, Гулзор 1-тор кўчаси, 7-уй.

“Олмазор тумани ер тизими ва қўчмас мулк кадастр хизмати” давлат корхонаси томонидан Олмазор тумани, Тансиқбоев 3-дахаси, 21-уй, 57-хонадон учун Ғафуров Раҳматилла номига берилган уй план кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Миробод саноат касб-хунар коллежи томонидан 2010 йилда Ибрагимов Шерзод Тўлқин ўғли номига берилган диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзгидромет — 27-29 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 24 сентябрда Тошкент шаҳарининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳудудида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлослигини даражаси паст бўлади.